



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“24” март 2020 й. № 02-06/1384

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Нусхаси: **Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш, ўрнатиш, техник жихатдан тартибга солиш ва бошқа масалаларни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган ҳамда қисқа муддатларда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламентига мувофиқ, ташқи реклама объекти (конструкцияси) унинг эгаси томонидан доимий равишда техник кўриқдан ўтказиб турилиши, конструкция механизмлари бўйича текширув ишларини олиб борилиши ва носозликлар сабабларини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

Бунда, ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) техник ҳолатини текшириш қуйидагиларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади:

конструкция устунлари ва ердаги асосини деформациялашуви натижасида юзага келган конструкция тузилишидаги ўзгаришлар;

ташқи реклама объектларидан (конструкцияларидан) фойдаланиш натижасида етказилган зарарларни аниқлаш мақсадида конструкцияни маҳкамлаш ёки унга вақтинча устун вазифасини ўтайдиган деворлар, устунлар ва мосламалар ҳолати;

улагичлар ҳолати ва чўзилувчанлик даражаси;

коррозия (емирилиш) зарарлари даражаси;

пайвандлаш уламалари ҳолати;

конструкция элементларида механик зарарларнинг мавжудлиги;

коррозияга қарши ва бошқа ҳимоя қатламларининг ҳолати;

бетон ва темирбетон буюмлардаги носозликлар ва уларнинг даражаси.

Шунингдек, ташқи реклама объектида (конструкциясида) электр қурилмаларидан фойдаланилган бўлса, конструкция эгаси вақти-вақти билан

электр қурилмалари техник ҳолатини ҳам кўриқдан ўтказилишини таъминлаши керак.

Бирок, худудларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш, ўрнатиш ва тузатишда мазкур **қарор талабларига риоя этилмаслиги** ҳамда уларни тизимли равишда **техник кўриқдан ўтказилиши назорат қилинмаслиги** натижасида шамол таъсири, эскириш, метал ва маҳкамлаш воситалари каррозияси оқибати конструкуияларни қулаш ҳолати ва эҳтимоли ортиб бормоқда.

Юқоридагиларга асосан Сиздан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашингиз, хусусан ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) хавфсизлигини таъминлаш ва уларни жорий техник ҳолатини текшириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов